

## Жума хутбаси

Image not found or type unknown



05:00 / 04.10.2024 37502

سَيَفَلُّكُلًا نَزَحَ نُبِّ مَكَخُلًا نَع  
أَنْدِشَ لَأَقُ هُنَعُ هَلَلَا يَضَر  
يَلَصِ هَلَلَا لُؤَسَرَعَمَ هَعْمُجُلَا  
مَأَقَفَ مَلَسَوِ هَيَلَعُ هَلَلَا

سَوْقٍ وَأَصْعَ يَلَعُ أَيُّكَ وَتُمْ  
هَيْلَعُ يَنْتَأُو هَلْ لَإِ دِمَحَفُ  
تَابِي طِي تَافِي فَخِي تَامَلَكِبُ  
أَهِيَ أَيُّ لَاقٍ مُثِي تَاكَ رَابُمُ  
أَوْقِي طُتْ نَلْ مُكِّنَا سُأَنَلَا  
مُتْرُمُ أَمُّ لُكْ أَوْلَعُ فَتْ نَلَوُ  
أُورَشُبْ أَوْ أُوْدِدَسْ نَكَلَوُ، هِبُ  
دَمَحْ أَوْ دُوَادُ وَبَأْ هَاوَرُ

Ҳакам ибн Ҳазн Кулафий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан жумага ҳозир бўлдик. У зот асо ёки камонга суянган ҳолда туриб, енгил, гўзал ва муборак калималар ила Аллоҳга ҳамду сано айтдилар. Сўнгра: «Эй одамлар, сизлар мен амр қилган нарсанинг ҳаммасига тоқат ҳам, амал ҳам қила олмайсизлар. Лекин собитқадам ва башоратли бўлинглар», - дедилар».

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

هَلَلَا يَضَرَّ رَمْعَ نُبَانَعِ  
يَبْنَلَا نَاكَ : لَأَقِ أُمَّهُنَّعِ  
مَلَسَوِ هَيْلَعِ هَلَلَا يَلَصِ  
مُثْ دُعُقَيِّ مُثْ أَمِّيَأَقِ بُطَخَيِّ  
نَأَلَا نَوْلَعَفَاتِ أَمَكْ مُوقَيِّ  
يَبَأُ ظَفَلَوِ . يِيئَأَسْنَلَا هَأَوْرِ  
هَلَلَا يَلَصِ يَبْنَلَا نَاكَ : دُوَادِ  
دِعَصِ إِذِي سَلْجَيِّ مَلَسَوِ هَيْلَعِ  
نَدُوْمَلَا عَرْفَيِّ يَّتَحِ رَبْنَمَلَا  
مُثْ ، بُطَخَيِّ فِ مُوقَيِّ مُثْ  
مُثْ ، مَلَكَّتَيِّ أَلْفِ سَلْجَيِّ  
: هِيَأَوْرِي فَوِ . بُطَخَيِّ فِ مُوقَيِّ  
هَلَلَا يَلَصِ يَبْنَلَلُ تَنَاكَ

نَاتَبُطُخَ مَلَسَوِ هِيَلَع  
نَأْرُقُلَا أَرْقِي أُمَّهَ نِيَبُ سَلْجِي  
سَانَلَا رُكَّذِي وَ

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам тик турган ҳолда хутба қилар, кейин ўтириб, худди ҳозир сиз қилаётганингиздек, яна турар эдилар».

*Насоий ривоят қилган.*

*Абу Довуднинг лафзида:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон минбарга чиқсалар, муаззин азондан фориғ бўлгунича ўтирар эдилар. Сўнгра тик туриб хутба қилар, кейин ўтириб, гапирмас ва яна туриб хутба қилар эдилар», – дейилган.

*Бошқа бир ривоятда эса:*

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг икки хутбалари бўлиб, уларнинг орасида ўтириб олар эдилар. Уларда Қуръон ўқир ва одамларга эслатмалар қилар эдилар», – дейилган.

يَضَرَّ رَمَسِ نَبِ رِبَاجٍ نَع  
يَلَصُّ أُنْكَ : لَأَقُ هُنَّ هَلَلَا  
هَلَلَا يَلَصُّ هَلَلَا لُوسَرَ عَم  
تَنَّاكَ فَمَلَسَوِ هِيَلَع

هُتَبْطُخْ وَأُذْصَقْ هُتَالْص  
إِلْإِةَسْمَخْلْأْ هَاوْر .أُذْصَقْ  
يِرَاخْجُ بْأْ

رَامْعْ أَنْبَطُخْ : لِئَاوْ وَبَأْلَاقْ  
لَزَنْ أَمْلَفْ ، غَلْبَأَوْ زَجْوَافْ  
دَقْلْ ، نَاطُقَيْلْ إِبَأْ أَيْ : أَنْلُقْ  
تَنْكُ وَوَلَفْ ، تَزَجْوَأَوْ تَغْلِبَأْ  
يِنَا : لَاقَفْ ، تَسْفَنْتْ  
يَلْصْ هَلْإِلْأُلْ وُسَرْ تُعْمَسْ  
« نَا » : لُوقَيْ مَلَسْ وَهَيْلَعْ هَلْإِ  
رَصْقْ وَ لُجْرْلْ إِيَالْصَلْوَطْ  
، هَقْفْ نَمُةً نِيْمْ هِتَبْطُخْ  
أُورْصُقْ أَوْ إِيَالْصَلْأُ أُولِي طَأْفْ

نَايَبُ لَنَا نَمُّنَاوُ ، عَبْطُخُ لَنَا  
دَمْحًاوُ مَلْسُ مِ هَاوُر . اَرْحَسُ

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намоз ўқир эдим, у зотнинг намозлари ҳам, хутбалари ҳам қисқа, лўнда бўлар эди», - дедилар».

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

Абу Воил: «Аммор бизга хутба қилди. У хутбани мўъжаз ва балоғатли қилди. Биз унга: «Эй Абу Яқзон, батаҳқиқ, балоғатли ва мўъжаз қилдинг. Агар бир нафас узайтирганингда, яна ҳам яхши бўлар эди», - дедик. Шунда у: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Киши намозининг узунлиги ва хутбасининг қисқалиги фикҳидан далолатдир. Намозни узун, хутбани қисқа қилинглр. Баёнда сеҳр бордир», - деганларини эшитдим», - деди».

*Муслим ва Аҳмад ривоят қилишган.*

لَا قُؤْ نَعُ هَلَلَا يَضَرُّ رِبَّاجُ نَع  
هُلَلَا يَلَّصُّ يَبَّنَلَا نَاك  
تَرْمُحَا بَطُخَا إِذَا مَلَّسَ وَهِيَ لَع  
دَتُّ شَاوُ ، هُتُّ وَصَّ اَلَعَّوُ ، هَانُ يَع  
رُدُّنُ مِ هُنَّاكُ يَّتَحُّ هُبَّضَغُ

مُكَّحٌ بَصٌ لُوقِي، شِيَج  
أَنَّا تُثَغُّبٌ لُوقِي، مُكَّاسَمَو  
نُزُقِي، نِيَتَاهَكُ عَاسَلَاو  
ةَبَّابُّسَلَا هِيَعَبُّصَا نِيَب  
دُعَبُّ أَمَّا لُوقِي، يَطُّسُؤَلَاو  
بَاتِكِ ثِيَدَحُّلَا رِيَخُ نِإِف  
دَّمَحُّمُ يِدَهِي دَهَلَا رِيَخُو، هَلَلَا  
لُكُّو، أَهَاتَاثُ دُحُّمِ رُومُ أَلَا رَشَو  
أَنَّا لُوقِي مُثُ، هَلَلَا ضِيَعُ دِيب  
يَسُفَنُ نَمِ نَمُومُ لُكُّبُ يَلُوَأ  
نَمَو، هَلَهَالَفُ أَلَامُ كَرَتُ نَم  
يَلِإِفُ أَعَايِضُ وَأَنِّي دَكَرَتُ  
مُلسُومُ هَاوَرُ يَلَعُو

# يئاس ن ل او

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон хутба қилсалар, икки кўзлари қизариб, овозлари кўтарилиб, ғазаблари шиддатли бўлиб, худди «Устингизга эрталаб ё кечқурун душман келиб қолади», деб лашкарни огоҳлантирувчи кишига ўхшаб қолар эдилар. У зот: «Мен билан қиёмат мана бундай бўлиб қолганда юборилдим», - деб кўрсатгич ва ўрта бармоқларини бирлаштириб кўрсатар эдилар. Яна: «Аmmo баъду, гапнинг яхшиси Аллоҳнинг Китобидир. Ҳидоятнинг яхшиси Муҳаммаднинг ҳидоятидир. Ишларнинг ёмони янги пайдо бўлганларидир. Ҳар бир бидъат залолатдир», - дер эдилар. Ва яна: «Мен ҳар бир мўмин учун унинг ўз жонидан ҳам қимматлиман. Кимнинг ортидан мол қолса, унинг аҳлигадир. Кимнинг ортидан қарз ёки зое (бола) қолса, менга ва менинг зиммамгадир», - дер эдилар».**

*Муслим ва Насоий ривоят қилган.*

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга ҳожат хутбасини ўргатдилар:**

**«Аллоҳга ҳамд бўлсин! Ундан ёрдам сўраймиз, Унга истиғфор айтамиз. Шаррларимиздан, яъни амалларимизнинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Кимни Аллоҳ ҳидоятга бошласа, уни залолатга кетказувчи йўқдир. Кимни Аллоҳ залолатга кетказса, уни ҳидоят қилувчи йўқдир. «Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ», деб шаҳодат берурман ва «Муҳаммад - Аллоҳнинг Расули», деб шаҳодат берурман».**

**Сўнгра уч оятни ўқир эдилар:**

**«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга ҳақиқий тақво қилинглар, фақат мусулмон бўлган ҳолингиздагина вафот қилинглар».**

**«Эй одамлар! Сизни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтини яратган Роббингиздан кўрқингиз!»**

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилингиз ва тўғри гапни гапирингиз...»

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган. Лафз Насойники.

نَبَّهَتْ رَاحِلٌ تَنْبُ نَع  
هُنَّعُ هَلَلَا يَضَرُّ نَأْمُعُنْ لَأ  
يْفُنْ مِ الْإِ تَطْفَحَ أَمْ تَلْ لَأَق  
هُ هَلَلَا يَلَّصْ هَلَلَا لُؤْسَر  
لُكَ أَوْبُ بَطْحَ يَ مَلَّسَ وَ هَيْ لَع  
أَنْ رُونَتْ نَأْكَ وَ تَلْ لَأَقِ، هَعُ مَج  
يَلَّصْ هَلَلَا لُؤْسَرُ رُونَتْ وَ  
هُ أَوْرَ. أَدِحْ أَوْ مَلَّسَ وَ هَيْ لَعُ هَلَلَا  
دُوَادُ وَبْ أَوْ مَلَّسُ مِ

Ҳориса ибн Нуъмоннинг қизлари розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Мен «Қоф»ни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғизларидан, жумада хутба қилганларида ёдлаб олганман. Бизнинг таннуримиз билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таннурлари бир эди».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

هُلِّلَا يَضَرَّ رَءُيْرُهُ يَبَأُ نَع  
هُلِّلَا يَلَّصَّ يَبِّنَلَا نَع ، هُنَّ ع  
ةَبَطُخٌ لُكْ : لَأَقَمَّ لَسَوِ هِيَلَع  
يَهَفُ دَهَشَاتِ أَهِي فَ سِيَل  
بَأَخْصَأُ هَأَوْرِيءَ أَمَدَجَلَا دِيَلَاكْ  
بِنَنْسَلَا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ичида ташаҳҳуд бўлмаган ҳар бир хутба худди мохов қўлга ўхшашдир», - дедилар».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилишган.*

**«Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар» китобидан**